ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЮЗ (ЖУЗ) УРУҒИНИНГ БЎЛИНИШИ ВА ЖОЙЛАШУВИ ХУСУСИДА

Қ.Алманов
Гулистон давлат университети доценти

Жиззах воҳаси ҳудудида яшовчи аҳолининг таркиби ва этнотопономик тарихини ўрганишимиз жараёнида минтақада яшаб келаётган 92 бовли ўзбек уруғларининг энг катта бирликларидан бўлган юз (жуз) уруғини жойлашув ўрни, уларнинг турли тўпларга бўлиниши, шунингдек уруғ билан боғлиқ этнотопонимлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Тадқиқотимиз жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, воҳа юзларининг турли тўп *(қавм, бўлак, ,шох, шахобча, тармоқ, бизнингча – тўп)* лари номи жой номига айланган. Воҳада бир неча асрлардан буён яшаб келаётган бошқа ўзбек уруғларининг жойлашув ўрни ва уларнинг ҳам номлари билан аталадиган этнотопонимлар минтақанинг тоғли туманларида кўпчиликни ташкил этади[1].

Воҳа юз (жуз)лари минтақадаги хокимият ва бошқарувдаги асосий қабила бўлган бўлиб, бу холат бошқа бир қатор майда уруғ ва қавмларнинг ўз номларини бу уруғ билан боғлаш ҳолатлари кўп учрашига олиб келган. Бунга мисол қилиб юз уруғининг тўп ва тармоқларида қўнғирот, қанғли, сарой, найман, қипчоқ, туркман, моғол каби уруғларнинг ҳам воҳада юз уруғининг таркибидаги бирор бир бўлак билан алоқадорликга эга деган халқ орасида қарашлар учрашига олиб келган[2]. Бу уруғнинг турли тўпларга бўлиниши хусусида XIX асрда минтақага ташриф буюрган турли туркшунос тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари ва бир қатор муаллифларнинг ёзма манбалари ва XX аср биринчи ярим йиллигида яратилган турли насабномалар орқали билиш мумкин. Улардан дастлабкиси ўлкамизга ташриф буюрган рус шарқшунос ва ҳарбийлари А. И. Макшев, А. П. Хорошхин, А. Д. Гребинкин, В. В. Радловлардир. Уларнинг тадқиқотларига қараганимизда воҳа аҳолисининг этник таркибига оид тадқиқотларида ўзаро тафовутлар кўзга ташланади. Улардаги ўзаро тафовутларни маҳаллий муаллифлар тамонидан сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларда ҳам учратамиз. Бу каби бир қанча янглиш фикрлар ёки бир ёқлама қарашлар устунлик қилган тадқиқотларда воҳа аҳолисининг таркиби ва этносларнинг жойлашув ўрни, уруғларнинг турли тўпларга бўлиниши ва этнотопонимлар масаласида ҳам бир қанча чалкаш фикрлар бериб ўтилган. Бу маълумотларни солиштириш ва дала тадқиқотларимиз

[1] Алманов Қ. Жиззах воҳасида қирғиз этноси вакилларининг жойлашуви ва этномаданий хусусиятлари./ Марказий Осиё цивилизация тизимида Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Қарши, 2022. –Б. 230-234. Алманов Қ. XIX аср охири - XX аср бошларида Самарқанд вилояти Жиззах уездининг демографик манзараси. ГулДУ Ахборотномаси. 2020й, 1-сон. –Б. 62-68. Алманов Қ. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркиби. http://science.nuu.uz/uzmu. 2022. Алманов Қ.О. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Жиззах воҳасида этнотопонимларнинг шаклланиши тарихи. https://science.nuu.uz/ Social sciences –Б. 4-6. 2022

[2] Тиловов Абдураззоқ хожи бобо 80 ёш Ғаллаорол тумани Найман қишлоғи.2024 й.

натижасида олинган маълумотларга аососланиб, воҳа тарихида юзларнинг жойлашув ўрни, асосан Жиззах воҳасининг Жиззах, Зомин ва Бахмал тумани ҳудудларидаги турли қишлоқларда эканлиги маълум бўлади. Бу уруғ вакиллари воҳанинг Фориш Ғаллаорол Янгиобод тумани ҳудудларида анча сийрак жойлашган бўлган. Юз уруғи ва уларнинг жойлашув ўрни ҳусусида дастлабки мулоҳазаларни биринчилардан бўлиб билдирган А.И.Макшеев, В.В.Радлов, А.Д.Гребенкиннинг хизматларини алоҳида эътироф лозим. Лекин, шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, уларнинг тадқиқотларида бир қанча эътирозга сабаб бўладиган фикрлар ҳам мавжуд. Бу тадқиқотчилар юз уруғни 92 бовли ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатдан етакчи ўринда туришлигини таъкидлаб, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида ўзларининг фикрларини бериб ўтади[1]. Тадқиқотчиларга кўра юз уруғининг шохобчалари қуйидагича кўринишларда бўлган.

А. И. Макшеев бўйича (1871) юзлар қуйидаги 8 та тўпларга (шох) бўлинади

- беш юз;
- қаропчи;
- найман эрганакли;
- парча юз;
- солин;
- сўлоқли;
- уяс;
- хитой юз.

В. Радлов бўйича (1888) юзлар қуйидаги 10 та тўпларга бўлинади:

- қаропчи;
- қуёнқулоқли;
- парча юз;
- сирғали;
- сўлоқли;
- теғирик;
- туёқли;
- хитой юз (Хонхўжа);
- хитой юз (Хўжа);
- эрганакли

Бу маълумотларни В. Радлов Зомин қозисининг ахбороти орқали олганлигини таъкидлаб ўтади[2]. Юзлар XVI-XIX асрлар давомида ўзининг юқори такомилига етган бўлиб, бу уруғ вакиллари Жиззах ва Ўратепада ҳокимиятнинг энг юқори ўринларини эгаллаганлар. Бу даврдаги барча насабномаларда юз уруғи ҳақида маълумотлар бор. Юзларни жойлашиш ҳудудини А. Борис юз – Қўқонда, Ҳисорда учрайди, деб ёзса (1845), А. Д. Гребенкин Зарафшон водийсининг ўрта қисмида яшовчи уруғлар орасида юзларни санаб ўтади (1872)[3]. Заки Валидий Тўғон "...улар Жиззах туманида яшайди" дейди. К. Нажимов эса асосан Сурхондарё ҳудудида яшовчи юзларни тадқиқ этади. Т. Салимов, И.А. Макшеев ва В.В. Радлов маълумотларига таяниб, "Юзлар асосан Ҳисор юзлари деб аталиб, Сурхон ва Ҳисор водийларида, бошқа қисми Ўратепа юзлари деб аталиб, Зарафшон қирғоқларидан то Ғарб томондаги Сирдарё қирғоқларигача (Бекобод ва Хўжандгача, Ўратепа билан бирга) бўлган ҳудудни шарқий томонларида яшайдилар деб кўрсатади[4]. Шу билан бирга, Ўратепа, Жиззах юзлари билан Ҳисор юзлари ўртасида умумий ўхшашликлар мавжуд. Жиззах воҳаси

[1] Аристов А.Труды по истории и этническому составу тюркских племен 423 Бишкек 2003

[2] Аристов А.Труды по истории и этническому составу тюркских племен 423 Бишкек 2003

[3] Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II. –Москва, 1872.

[4] Буряков Ю.Ф., Грицина А.А., Кочнев Б.Д. Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). – Ташкент, 1994. Салимов Т. Этнический состав и расселение населения Нуратинского оазиса. – С. 19-20.

юзлари ва Сурхон воҳаси юзларининг турли этник бирликларга бўлиниши хусусидаги тадқиқотларга қаралганда икки воҳада ҳам юзлар учта катта гуруҳга бўлинган бўлган. Сурҳон воҳасида юз, қаропчи ва марқага бўлинган бўлса Жиззах воҳасида марқа боласи, шоди боласи, ражаб боласи каби катта гуруҳларга бўлинганлиги кузатилади. Қ. Нажимов юзнинг яна 2 та уруққа бўлинишини кўрсатади:

- юз вахтамғали.
- юз жилонтамғали.

Буларнинг ҳар бири ўз навбатида, муаллифни кўрсатишича, 3-4 тадан майда бўлакларга бўлинади. Масалан:

1. Юз вахтамғали:

- кесовли;
- қозиоёқли;
- ёриқбошли;
- қаропчи.

И.А. Макшеев ва В.В. Радловларнинг маълумотларида келтирилган 8 та тармоққа бўлиниши фақатгина бир ҳудуд миқёсида олинган бўлиши мумкин[1]. В. В. Радлов Жиззах, Зомин ва Ўратепа атрофидаги юз уруғлари шажарасини таҳлил қилиб, улар 9 та катта бўғиндан ташкил топган дея такидлаб ўтади[2]. В. В. Радлов А. И. Макшеевдан фарқли равишда 10 та тармоқни аниқлаганлигини ёзиб қолдирган бўлиб, бу тадқиқотчилар ҳам уруғнинг бўлиниши хусусида тўлиқ маълумотларга эга бўлмаган[3]. Бу уруғ бўлинишлар ичида найман уруғини ҳам юзнинг таркибига киритилиши анча баҳсли бўлиб, бу уруғ мустақил алоҳида бир катта субэтнослиги манбаларда келтириб ўтилади[4]. Шунингдек, В. В. Радлов тамонидан тузилган жадвалда юз уруғининг энг кўп тарқалган гуруҳлари марқа-юз, ражаб боласи каби қабила ҳамда уруғлар рўйхатга киритилмайди. Ўзбек тилшунос олими, йирик мутахассис, уяс уруғи вакили Х.Дониёров масалага бағишланган тадқиқотида ҳам юз уруғи борасидаги масалаларга ўзининг бир қанча фикрларини билдириб ўтган. (Дониёров, 1968. 83-86 б.)

Бу каби ўзаро чалкашликлар юз уруғи билан боғлиқ тадқиқотларда жуда кўплаб учрайди. Бугунги кунга келиб бу каби ўзаро чалкашликларга бирмунча якун ясалган бўлиб, воҳада яшаётган юз уруғининг турли бўғинлари тўғрисида бир қатор маҳаллий муаллифлар ўзларининг илмий тадқиқотлари асосида ўз илмий хулосаларини берганлар[5].

Жиззах воҳаси юзлари ассосан 3 та катта тармоққа бўлинган: марқа боласи, ражаб боласи, шоди боласи. Қаропчини ҳам баъзи тадқиқотчилар юзнинг учинчи катта тармоғи сифатида кўрсатиб ўтади. Марқа – юз уруғининг бир тармоғи. Марқа – «катта, улкан» деган сўз, марқа қўзи – эртароқ, мартдан олдин туғилган қўзи, эгиз қўзиларнинг олдин туғилгани[6]. Жиззах воҳасида юз уруғининг жойлашувига қаралганда, уруғ ва унинг турли тўплари номлари билан аталувчи қишлоқлар асосан Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах тумани ва унинг атрофларида кўпчиликни ташкил этса, Янгиобод, Фориш каби туманларда анча сийрак жойлашган. Воҳа тарихи билан шуғулланган А. Пардаевнинг келтириб ўтган маълумотларига кўра, воҳада бу уруғ билан боғлиқ 56 та катта тўплар мавжуд бўлиб, бу бўғинлар билан боғлиқ аҳоли масканлари этнонимлар ҳам минтақада кўпчиликни ташкил

[1] Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае // Записи императорского географического общества по отделу статистики. Т. II. –С-Пб, 1871.

[2] Радлов В.В. Население Средней Азии: тюрки и таджики. Средняя Зерафшанская долина // Записки Императорского Русского географического общества по отделению этнографии. Том 6. 1880.

[3] Пардаев А. Жиззах шахрининг этник номлар билан аталувчи маҳаллалари тарихидан.// "Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)" номли Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Жиззах, 2020. –Б. 364-365.

[4] Аристов А.Труды по истории и этническому составу тюркских племен 423 Бишкек 2003

[5] Пардаев А. Жиззах шахрининг этник номлар билан аталувчи маҳаллалари тарихидан.// "Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)" номли Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Жиззах, 2020. –Б. 364-365.

[6] Тўйчибоев Б, Қашқирли Қ. Зоминнинг тил комуси. Тошкент. Академнашр, 2012. –Б. 26.

этади. Юқоридаги туманлардаги уруғнинг маълум бир бўлаги номи билан аталадиган аҳоли масканларида яшовчи кекса авлод вакиллари берган маълумотларга қараганда, аҳоли ўз тўплари номи билан аталган манзилгоҳларда бир неча асрдан буён яшаб, ўзаро этномаданий жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жиззах воҳасида юз уруғи ва унинг тўплари билан боғлиқ бўлган аҳоли масканлари Жиззах, Бахмал, Ғаллаорол, Янгиобод ва Зомин туманларидаги айрим қишлоқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин (мас.Уяс, Қаропчи, Солин, Найман, Моғол, Бешжуз, Парчажуз, Сарюзи, Қўштамғали, Сиргали, Боймоқли, Туёқли, Эрганакли, Пучуқой, Сўлоқли, Тиғириқ, Қозойоқли, Ўювли, Уйлуқма кабилар). Дала этнографик тадқиқотларимизга кўра биргина Бахмал тумани ҳудудларидаги Қўштамғали, Уяс, Жўм-жўм, Мўғол, Қаропчи, Тагоп, Вадиган, Тангатопди, Беккелди, Оққўрғон, Гулбулоқ, Шўрбулоқ, Музбулоқ, Узунбулоқ, Галдровут каби қишлоқларда юз уруғининг 20 дан ортиқ тармоқлари (тўп) бугунги кунда истиқомат қилишади[1]. Воҳанинг марказий ҳудуди ҳисобланган Жиззах шаҳри ҳудудида юз уруғи вакиллари яшаган, улар ўзларининг уруғ бўлинишлари асосида ташкил топган маҳаллаларини ташкил қилган. Бу маҳаллаларга бугунги кундаги Жиззах шаҳри ва унинг ён атрофидаги бир қанча қишлоқларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Масалан Олмачи, Сўлоқли, Туёқли, Тошлоқ кабилар.

Бугунги воҳанинг тоғ ва тоғолди туманларида юз уруғининг энг кўп тарқалган марқа-юз, ражаб боласи, туёқли, уяс каби тармоқлари ўзларининг бой тарихга эга бўлган моддий ва маънавий маданияти излари яққол сақланиб қолган бир қатор қишлоқларида ўз тўплари номларини ва етти отасини билишни ўзларига муҳим вазифа билиб яшаб келмоқда. *Баймоқли, Қўштамғали, Сартюзи, Бешкуби, яна кўплаб юз уруғи билан боғлиқ аҳоли масканларида* XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидан буён аҳоли доимий ўтроқ турмуш тарзига ўтиб икки хил хўжалик: деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишмоқда[2]. Тадқиқотимиз натижасида шуниси аниқ бўлдики, кўпчилик тадқиқотчилар *юзнинг* асосини "Марқа боласи" тармоғи ташкил этади деб деб ҳисоблайди ва бу фикрларда жон бор.

Ўзбекнинг туркман юз эли бўйича тадқиқот олиб борган Б. Ўроқов ва О. Сувоновлар, шунингдек Б. Тўйчибоев ва Қ. Қашқирлилар ўзларининг тадқиқотларида ўн икки ота хитой юзи, олти ота ражаб боласи, олти ота солин уяс, олти ота туёқли – жами ўттиз ота "марқа боласи" тармоғини ташкил этади деб қаралади"[3] деган фикрларни билдиришган. "Зоминнинг тил қомуси" асарида "марқа боласи"нинг таркибига кирувчи туёқли уруғининг олти отаси, парча–юзнинг тўрт тамғалиси таркибидаги оталар, ҳамда хитой-юз таркибига киритилган туркман ва жалойир элатларнинг этник таркиби негадир киритилмаган[4]. Бизнингча, туркман ва жалойир элатларининг сўзлашув жараёнидаги фарқлар бўлганлиги сабабли бу уруғнинг юзлар билан боғлиқлик масаласи очиқ қолдирилган. Шуни айтишимиз мумкинки, бу уруғлар хам ўзларининг этник тарихини юзлар билан боғлаганлигида жон бор: улар ҳам сўзлашув ва антропологик жиҳатдан бир бирига жуда ўхшаш.

Биз юқорида тадқиқотчиларнинг юз (жуз) уруғи шажарасини ёзма равишда эълон қилинган маълумотларига назар ташладик ва уларни бироз бўлсада ўзаро қиёсладик. Булардан шуниси аниқ бўлдики, воҳа юз (жуз)лари тўғрисидаги дастлабки иккита муаллифнинг эсдаликлари XIX асрнинг 60-70 йилларида, яъни Туркистон ўлкасининг катта қисми Россия империяси таркибига қўшиб олиниши арафасида келиб, маҳаллий аҳолининг маълумотларига асосланиб ишлаб чиқилади. Мазкур муаллифларнинг ҳар иккаласи ҳам юз элатини саккиз гуруҳга бўлади. Муаллифлар ёзиб қолдирган маълумотларда этник атамалар рус тилининг талаффузига мослаштирилиб ёзилганлигидан, баъзи атамаларнинг шакли ҳамда мазмуни ўзгариб кетган. Масалан: А. И. Макшеевда хитой-юзи таркибидаги тиғриқнинг бешкубиси–"беш кун" деб, солиннинг давлайи – "давлат" деб, қаропчи

[1] Дала тадқиқотлари Гулбулоқ, Шўрбулоқ,Уяс қишлоқлари 2022 й.
[2] Всеобщая перепись населения Российской Империи 1897 года. Самаркандская область, вся
[3] Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. –Тошкент: Академнашр, 2012. –Б. 26.
[4] Ўроков Б., Сувонов О. Ўзбекнинг туркман юз- эли ва унинг шажараси. –Гулистон, Зиё, 2011. –Б. 68-69.

таркибига киритилган кенагас эли – "кенюз" деб хато ёзилганлигини элшунос олим Б. Ўроқов ҳам ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтади[1].

Рус туркшунос олими В. В. Радловнинг шажарасида ҳам бу каби хатоликлар анчагина бисёрлигини қуйидагилардан кўришимиз мумкин. Масалан, парча–юзнинг учтамғалисидаги ўювли уруғи – "юели" деб, ишқили уруғи – "иш-кули" хитой-юзнинг хонхўжасидаги сарт-юзи – "сарт-юе" деб, тиғириқнинг таркибидаги бешкуби уруғи – "беш куй" деб, солиннинг тоғай тўпи – "тоғай-тюпи" деб, бет-жузни – "беш-юз" деб хато ёзганлиги натижасида одамларнинг тушунишида бир қанча муаммолар туғдиргани англанади. Шунингдек, мазкур хатоликлар бугунги кун ўқувчисида ҳам бир қанча қийинчиликлар туғдираётганлиги кундай равшан. Юқорида тилга олиб ўтилган тўртта тадқиқотчиларнинг маҳаллий сулолага мансуб бўлган *(уруғи юз)* қолган иккитаси ҳам ўзларининг тадқиқотларида юз элати таркибидаги тармоқ эл, қабила, уруғ ота ва ҳатто оталарнинг таркибидан жой олган тўпларгача бўлган маълумотларни дала тадқиқотлари натижасида тўплаганлигини, юқорида келтирилган маълумотлар шева хусусиятини ўзида акс эттирган транскипция белгилари асосида берилганлиги таҳсинга сазоворлигини алоҳида такидлашимиз керак.

Элшунос олим Б. Ўроқов юқоридаги жараёнга ҳам ўз муносабатини билдириб, муаллифларнинг (Б. Тўйчибоев ва Қ. Қашқирли) хитой-юзи таркибига киритилган, туркман ҳамда жалойирнинг этник таркибини тушириб ёки эътибордан четда қолдирганлиги, "марқа боласи"нинг таркибидаги туёқли уруғининг олти отасини, парча–юзнинг тўрт тамғалисига қарашли уруғлар қайд этилмаганлиги биз учун тушунарли эмас деб асосли эътирозини билдирганлигига[2] қўшилишимиз мумкин. Бизнингча ҳам бу фикрларда жон бор: воҳа аҳолиси этник таркибини ўрганиш жараёнида бу масалаларга тўлалигича батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қилинши лозим деб ҳисоблаймиз.

Уруғлар, шажаралар силсиласига бироз назар ташлайдиган бўлсак, бир уруғ бир неча оталарга, оталар ҳам ўз навбатида бир қанча тўпларга ажралиб кетар экан. Тўплар эса, келиб чиқиши етти отага бориб туташувчи ўнлаб хонадонларни ўзида бирлаштирувчи дастлабки этник бирлик десак бўлади (масалан, Қоштамғали қишлоғидаги тўплар)[3].

Дастлаб ўнлаб хонадонларни бирлаштирган уруғнинг бир отадан тарқалган қисмига тўп деб қаралган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу хонадонлар сони юзлаб ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этмоқда. Бугунги кунга келиб ўз уруғи тарихига қизақаётган, етти отасини билишга интилаётган авлодларни кўрганимизда кўнглимизга ажиб бир яхши фикрлар ўрнашади. Аммо яна бир нарсани алоҳида такидламоқчимизки, қирқ, юз (жуз), минг атамасининг маъноси асрлар давомидаги авлодларнинг алмашиниши ҳамда маънавиятдаги янги тушунчалар таъсирида аста секинлик билан унутилиб бораётгандек гўё. Натижада, эл-улус хотирасида бу атама саноқ сонни, яъни 40, 100, 1000 рақамини англатадиган бўлиб қоладиганга ўхшайди. Шундай бўлсада, биз тадқиқ қилган юз ёки жуз аввало этник атама бўлиб, юртимизнинг туркий тилда сўзлашувчи энг қадимги туб жой аҳолиси билан ўзаро сингишиб кетган уруғнинг номи бўлганлигини таъкидлашимиз зарурдир. Юз уруғининг номи қадимий туркий қавмларининг бир номи сифатида турли манбаларда аталиши хусусида тадқиқотчилар ўз фикрларини билдириб ўтади. Б. Ўрақовнинг бу уруғни форс манбалари "сак" деб, юнон манбаларида "скиф"[4] деб аталиб келинганлиги барча ўқимишли, зиёлиларимизга аён деган фикрлари анча баҳсли ва тортушувли масаладир. Бу фикрларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин, ёки бошқа сабабларини таҳлил қилиш кераклигини ҳисоблаб, бу уруғнинг ном сифатида Дашти Қипчоқ орқали кириб келган кўчманчи чорвадор туркий қавмларнинг ўз уруғнинг номи, шу ҳудудда яшаётган маҳаллий туркий аҳолининг номига айланганини айтиб ўтишимиз керак. Чунки бу уруғнинг кекса авлод вакилларининг оғзаки ахборотига кўра, Жиззах воҳаси ҳудудларига юзларнинг кириб келиш тарихини XVII асрлардаги ўзаро хонликлар ўртасидаги курашлар билан боғланади. Ушбу туркий уруғ

---

[1] Ўроқов Б. Ўзбек халқининг таркибидаги юз (жуз) элатининг шажараси. –Г.: 2016. -Б.121-122.
[2] Қаранг ўша асар .....
[3] Дала маълумотлари. 2021 йил Бахмал тумани Каттақишлоқ ва Мўллабулоқ қишлоқлари.
[4] Ўроқов Б., Сувонов О. Ўзбекнинг туркман юз- эли ва унинг шажараси. –Гулистон, Зиё, 2011. –Б. 68-69.

Жиззах воҳасида яшаётган одамлар орасида бет, бет-жуз, сартжуз, парчажуз, турк, туркмон (туркман), жуз, жузмон, каби номлар билан ҳам аталиб келинаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу номларнинг баъзилари қишлоқ номига, яъни этнотопонимга айланганини (Зомин, Жиззах, Бахмал, Ғаллаорол, Бекобод, Боёвутда)[1] кўришимиз мумкин.

Воҳа юзлари каби, бу ҳудудда яшаётган бошқа уруғлар ҳам кўчманчи чорвадор туркий қавмларнинг бир бўлаги сифатида ўзаро ҳудуд ва урф-одат яқинлиги асосида қадимдан қўшни бўлиб яшаганлиги учун уларнинг этник тарихини бир деб қараш ҳоллари учраши таабийдир. Биз тадқиқ қилган воҳа юз(жуз)ларининг, туркий элатларнинг, жумладан, сўз юритилаётган уруғнинг қадимги аждодлари тўғрисида турли афсона ва ривоятлар то бугунги кунга қадар уруғнинг кекса авлодлари оғзаки маълумотларида учрашлигини воҳадаги юз уруғи ва унинг тармоқлари яшаётган қишлоқларда кузатдик. Мана шундай ривоятлар асносида бу уруғнинг тармоқ (шох)га бўлинишларини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, уларнинг биринчи қаноти тамғасининг номи билан "ёй-(жой) тамғали" деб айтилиб кетилади. Шу нарсани ҳам эслатиб ўтишимиз лозимки, ёй (жой)нинг тамғадаги тасвири одамнинг қошига ўхшаш бўлганлигидан ушбу тамға "қоштамғали" деб ҳам аталиб келинади деган фикрларни Б. Ўроқов ҳам билдириб ўтади[2]. Бу номдаги қишлоқ ҳозирги кунда Бахмал туманида юз уруғи вакилларининг Қўштамғали қишлоғи мавжудлиги, шунингдек Қипчоқ уруғининг бир тармоғи Қўштамғали деб номланишини ҳам бу фикрларимизни асослаш учун хизмат қилади. Демак, бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мазкур уруғлар ва уларнинг тармоқларидаги ўзаро ўхшашликлар ҳудуд ва ўзаро урф одатларнинг яқинлиги ҳисобига бўлган бўлиши мумкин.

Юқорида турли тадқиқотчиларнинг изланишлари натижаларини таҳлил қилиш асносида, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, юз уруғи ва унинг турли тўпларининг жуда кўплиги бу уруғ нуфузи воҳада баланд бўлганлигини асослайди. Кичик қабила ва уруғлар ҳам ўзларини шу кучли уруғ билан боғлаб юзнинг бир тармоғимиз деган ҳолатлар ҳам уруғ ичида бўлинишлар кўпайишига сабаб бўлган бўлса керак.

Маълумки, ҳар бир халқнинг тафаккур тарзи, руҳияти унинг тилида намоён бўлиши тарихий ҳақиқатдир. Бугунги ўзбекнинг юз, қирқ, қипчоқ, найман, сарой, туркманжуз каби эллари яшаётган Жиззах воҳасининг этнотопонимлари, тарихий сўзлари, шеваларини, уларнинг тилига хос хусусиятларни комплекс ўрганиш аҳолининг тафаккур даражаси ва ижодий салоҳиятини кўрсатади деган хулосага келдик. Шу ўринда зоминлик олимлар юз (жуз)нинг хитой юзи ва найман уруғи вакиллари бўлмиш профессорлар: Босим Тўйчибоев ҳамда Қозоқбой Йўлдошевларнинг қуйидаги шеърий матнни келтириб ўтишга қарор қилдик:

Қирғовул қизил экан,
Қуйруғу узун экан,
Музга тойғон экан.
Оврудан озорланиб,
Бир сўз деб турғон экан:
Музака, музака,
Сен недин зўрсан?[3]

Пародоксал мантиққа қурилган ушбу айтимда халқнинг образли фикрлаш қудрати намоён бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Унда дунёнинг гултожи ҳисобланмиш инсон эмас, балки оёқ остида бор-йўқлиги билинмай яшайдиган қумурсқа (қаринжа)нинг энг қудратли яратиқ экани борасидаги тўхтам кутилмаганлиги билан ҳам, тасвирдаги ички мантиқий боғланишнинг пухталиги билан ҳам мукаммалдир. Шунга ўхшаш воҳанинг этник тарихига оид турли айтишувлар авлоддан авлодга ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда етиб келиб, воҳа аҳолисининг тарихидан гувоҳлик беради.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ер ресурслари бошқармаси. Зомин тумани статистика бўлими. 2002 йил: Бахмал тумани ҳокимияти 2001 йил, 26.10 даги 486 қарорига илова: 1
[2] Ўроқов Б., Сувонов О. Ўзбекнинг туркман юз- эли ва унинг шажараси. –Гулистон, Зиё, 2011. –Б. 68-69.
[3] Тўйчибоев Б., Йўлдошев Қ. Зоминнинг тил қомуси. –Т.: Академнашр, 2011. –Б. 94.